“КЎЗГУ ОЛДИДАГИ ОДАМ” РОМАНИДА КЎЗГУ ДЕТАЛИНИНГ ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК ВАЗИФАЛАРИ

Н.И.Тоирова

Мақолада Омон Мухторнинг “Кўзгу олдидаги одам” романидаги кўзгу детали тадқиқ этилган. Кўзгунинг қаҳрамонлар руҳий оламини акс эттиришдаги роли кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: *кўзгу, деталь, руҳий олам, ғоявий-эстетик вазифа, ички “мен”, қалб, ҳақиқат.*

В статье исследуется зеркало как художественная деталь в романе Амана Мухтара «Человек у зеркала». Показана роль зеркала в изображении внутреннего мира героев.

Ключевые слова: *зеркало, деталь, духовный мир, идейно-эстетическая задача, внутреннее «я», душа, истина.*

The article investigates mirror as an artistic detail in the novel “The man at the mirror” by Omon Muhtor. It depicts the role of the mirror in the process of depicting the inner feelings of the hero.

Key words: *mirror, detail, spiritual world, ideological-aesthetical functions, inner selves, spirit, truth.*

Кўзгуда нурнинг қайтиши, унда нарсанинг шакли айнан акс этишидан ҳайратга тушган ибтидоий кишилар ойнага ғайритабиий бир куч тимсоли сифатида қараганлар ва муқаддас нарса сифатида муносабатда бўлганлар. Ойнага нисбатан шундай муносабат халқ ўртасида турлича тасаввурларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Кўзгу тимсолидан фойдаланиш замонавий ўзбек адабиётида ҳам ёзувчилар ғоявий-эстетик ниятини ифодалашда муҳим ўрин тутади. Хусусан, Учқун Назаровнинг “Ойна” драмасида кўзгу деталидан ҳақиқат тимсоли сифатида ўринли ва мақсадли фойдаланилган. Мазкур тимсолнинг бадиий насрдаги талқини борасида Омон Мухторнинг “Кўзгу олдидаги одам” асари эътиборга моликдир.

О.Мухтор асар сарлавҳасига олиб чиққан кўзгу рамзи воситасида бош қаҳрамонлар ички дунёси, руҳий оламидаги яширин жиҳатларни очиб беришда моҳирлик билан фойдаланган. Шу билан бирга, асардаги кўзгу рамзи ўзига хос руҳий ва фалсафий тагмаънога эга. Кўзгу романда шартли-рамзий тимсоллар, айниқса, характерлар ўртасидаги тўқнашувларни ифодалашда муаллифга жуда қўл келган ва ўқувчининг асарни қабул қилишини осонлаштиришга хизмат қилган.

“Авесто”да, сўнгра ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асарида қўлланган кўзгу тимсоллари О.Мухтор ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Адиб ўз ижодида миллий ривоятлар, халқ эртаклари билан бирга, асосан, Алишер Навоий ижодига таянганини таъкидлайди. Адиб бу ҳақда: “Мен Навоий ҳаёти ва ижодига бир умр мурожаат қилганман, десам, ёлғон бўлмайди. Шеърлар, мақолалар ёздим. Кейин катта асарларда Навоий ҳаётига тегишли баъзи манзараларни акс эттирдим. Ниҳоят, Навоий ҳақида роман ҳам ёздим”,- дейди [1.14].

Қадим аждодларимиз тасаввурича, кўзгудаги инсон акси унинг шаклидан тушган нурларнинг синиши ва қайтишидан иборат бўлмай, балки унинг кўзгуда ифодаланган руҳидан иборатдир. Адабиётшунос Б.Саримсоқов кўзгудаги инсон акси нафақат физик кўриниш, балки руҳий акс этиши эканлигини, бунга марҳум чиқарилаётганида уйдаги бор ойналарнинг усти ёпилиши кераклиги ёки кечқурун ойнага қараган кишига шайтон акси кўриниши мумкинлиги ҳақидаги халқ иримлари мисол бўла олишини таъкидлайди [2.32].

Қадимдан кўзгуга бахт ва садоқат, ёруғлик, шодлик бахш этувчи сеҳрли қудратга эга буюм сифатида ҳам қаралган. Д.С.Раевский скифларга яқин қариндошлиги бўлган ҳинд, тожик, форс ва бошқа халқлар никоҳ тўйларида келин ва куёв бир кўзгуга қараши керак бўлгани ҳақида маълумот беради [3]. Бунга ўзбек халқининг никоҳ тўйларида куёв-келинга кўзгу кўрсатиш удуми ҳам мисол бўла олади. Бу удум ёшларга бахтли ҳаёт кечириш, қўша қариш, оилада яхши фарзандлар топиш истаги билан боғликдир.

Бундан ташқари, таниқли археолог Б.А.Литвинский Ўрта Осиёнинг жуда кўп жойларида, айниқса, Фарғона водийсида олиб борган қазишмаларида қимматли маълумотларни қўлга киритди. Бу борада мазкур ҳудуддаги мурдани синдирилган ойна билан бирга дафн этиш удуми аҳамиятлидир. Ю.Муҳиддинов кўзгу билан боғлиқ бўлган магик-мифологик қарашларнинг тарихий асослари Ўрта Осиё халқларининг қадимий эътиқодий қарашлари билан боғлиқлигини аниқлаган [4]. Аста-секин ана шу дунёқараш ва удумлар таъсирида дастлаб

фольклорда ойнага оид барқарор эпик мотивлар пайдо бўлиб, кейинчалик улар ёзма адабиётга ҳам олиб кирилган деган хулоса қилиш мумкин.

Асардаги кўзгу детали қаҳрамонга тошойна сингари унинг қалб ўзгаришларини кўрсатиб турувчи тимсолда намоён бўлади. Адабиётшунос Й.Солижоновнинг таъкидлашича, “Кўзгу олдидаги одам” асарида аниқ кўзгу образи бор [5]. У ҳам бўлса Валижоннинг ўзидир. Бошқа барча қаҳрамонлар ана шу кўзгуда аксини кўради. Кўринадики, Вали – ҳақиқат тимсоли, ҳақиқат синса инсоннинг ўзи йўқ бўлади. Асардаги Сирож муаллим образи Иблис қиёфасида келади. Сирож муаллим тимсолида Валини йўлдан оздирувчи, дунёдаги барча гуноҳ ишларни чиройли кўрсатиб, гуноҳ ишларга ундовчи инсон қиёфасидаги шайтон образи тасвирланган, деган хулоса қилиш мумкин. Аслида, асар сюжетига Фаустнинг абадий навқиронлик учун иблисга жонини бергани ҳақидаги ривоят асос қилиб олинган.

Миф ва ривоятларда иблис ҳеч қачон ўзи гуноҳ ишлар қилмайди, лекин уларни қилишга ундайдиган куч сифатида келади. У доимо ердаги гуноҳ ишларни чиройли кўрсатишга, инсонларни йўлдан оздиришга уринади. Иблис одамнинг баданида қон юргандек юради, инсон вужудига таом билан киради. “Ҳаёт фалсафаси” оқими асосчиларидан бири бўлган немис файласуфи Ф.Ницше (1844-1900) инсоннинг ирода кучига таянган ҳолда мукаммалликка интилиши бўйича қарашларида, одам боласида махлуқлик ва холиқлик бирлашиб кетгани ва одам ўзидаги махлуқликни енгиб холиқлик мақомига кўтарилиши кераклигини таъкидлаган эди. Тасаввуф таълимотида ҳам инсон ўзидаги шайтонийликни енгиб, раҳмоний фазилатларини ошириб, комиллик сари бориши асосий вазифа ҳисобланади.

О.Мухтор асарида “Шайтон тандаги қон каби...” ибораси уч марта такрорланади. Асар қаҳрамони Вали олдида ҳам Раҳмоний ва Шайтоний йўл ётади. Ёзувчи Вали ҳаётида улардан қай бирига ён босишини тасвирлайди.

Роман бош қаҳрамони ҳаётида содир этган чигал ва гуноҳ ишларидан афсусланар экан, ойнада ўз шакли қолиб бошқа бир шакл акс этишидан қўрқиб яшайди. У ўзига “Бу ўзи нимадан бошланди, мен қачон бундай тасқара одамга айланиб қолдим”, - деб савол беради [6.10].

Асарда Валининг исмига фалсафий-рамзий вазифа юклатилган бўлиб, у Валий, яъни имон босқичларининг ҳаммасини мукаммал эгаллаб, илм ва ибодатда пешво, ҳалол-покиза, истеъмолда энг кам даражада, ҳаракатда ғайратли, ахлоқда ибратли ва Худонинг жамолига эришган одам бўлмоғи лозим. Муаллифнинг ўзи мазкур образга изоҳ берар экан, унда бир валоят, валийлик бор эканини, лекин у инсон сифатида қабиҳликларни кўриши кераклигини таъкидлайди [7]. Вали бу шарт-шароитларга тўла амал қилмаса-да, фарзандларининг қисмати, қилган гуноҳларининг азоби, эртанги кун ҳақида тинмай ўйга толади, қаттиқ қайғуради. Ўзидаги махлуқий кучни қандай енгиш кераклиги ҳақида ўйга ботади. Неча маротаба ўзига ўзи савол беради. Яъни ўзининг иккига бўлиниши, вужудидаги шайтоний ва раҳмоний кучлар курашидан азобланади.

Кўзгу ҳақиқатни акс эттиради, яъни у сиз қандай бўлсангиз, шуни кўрсатади. Сирож муаллим кўзгуда ўзидан бошқа башарани кўради. Унинг сийрати кўзгуда акс этганда, қарасаки, ички олами хароб аҳволда. Учқун Назаровнинг “Ойна” драмаси қаҳрамони Акбар: “Ҳамманинг рўпарасида доим ойна бўлиши керак, токи ҳар бир одам ўз қиёфасини ҳамиша кўриб туриши шарт. Лоақал бир ойда бир марта. Бўлмаса, одам башараси қийшайиб, баъзи кезларда махлуқ тусига кириб қолганини ўзи билмай қолиши мумкин” деганда Сирож муаллим ёки Вали тақдиридан башорат қилгандай туюлади [8].

Сирож муаллим кўзгуда ўз шакли қолиб, бадбашара бир қиёфани кўради. Унинг қалбини шайтоний хислатлар маҳв этганлиги туфайли ойнада ўз акси ўрнига иблис сифати намоён булади. Бундан дарғазаб бўлиб у кўзгуни синдиради ва ўзи ҳам ҳалок бўлади. Валини ойна ўзи синганмиди ёки уни Сирож муаллим синдирганми деган савол қийнайди. Вали Сирож муаллим ҳақида сўраб борганда, келини Сожидахон: “Биласизми, дадам йўлакда турган кўзгу олдида баъзан уймалашиб қолардилар. Шунақа одатлари бор эди” – деб айтади. Ҳақиқатан ҳам бахтсиз ҳодиса рўй берган куни Сирож муаллим кўзгуга кўп тикилиб қолиб, кейин уни сўкиб, синдиради. Ўзини қийнаб келаётган саволларга Вали: “... Сирож муаллим, оғзи юзига нисбатан каттароқ эканлигини айтмаганда, келишган киши! Лекин у ойнага қараганда ўз шакли қолиб, баъзан бадбашара бир шакл акс этарди! Бунга чидаёлмаганидан кўзгуни синдирган эди” деган жавоб олади. Демак, кўзгу билан боғлиқ ўзбек халқининг эътиқодий қарашлари ва унинг инсон руҳи билан боғлиқ мистик жиҳатлари Омон Мухтор романининг яратилишига ўз таъсирини ўтказган. Халқ этиқодига кўра синган кўзгу ўлим тимсоли экани ва унинг инсон қалби-ойнаси сифатидаги талқини асар қаҳрамонлари руҳий-маънавий оламини очиб беришга қўл келган. Ушбу деталь роман қаҳрамонларининг виждони рамзи сифатида тасвирланган.

Хулоса қилиб айтганда, кўзгунинг қадимдан инсонлар маиший ҳаётидаги ўзига хос ўрни ва акс эттириш вазифаси уни турли халқлар удум ва маросимларида кенг ўрин эгаллашига сабаб бўлган бўлса, кейинчалик мазкур буюмга юклатилган ғоявий вазифа ортиқча ўзгаришларсиз бадиий адабиётга ҳам олиб кирилган. Инсонлар орасида шаклланган “Кўзгу – ҳақиқат рамзи”, “Кўзгу – қалб ойнаси” сингари ақидалар XX аср адабиётида яратилган бир қатор асарлар учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Натижада, ёзувчилар кўзгудан қаҳрамоннинг руҳий оламини, ички “мен”ини очишда муҳим восита сифатида фойдаландилар. О.Мухторнинг “Кўзгу олдидаги одам” асари ҳам бунинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Умид Али. Кўнгилга сайр. - Т.: Янги аср авлоди, 2009.- 210 б.
2.Б.Саримсоқов. Ойнада зуҳур этган бахт // Ўзбек тили ва адабиёти. № 4, 1984.- Б.30-34
3. Раевский Д.С. Исскуство и мифы скифов // Курьер.- 1977.- № 1.- С.15-17
4. Муҳиддинов Ю. Статуэтки женского божества с зеркалом из Саксонохуро // Советская этнография.- 1973.- № 5.- С.99-107
5. Солижонов Й. XX асрнинг 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси. Филолология фанлари доктори даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати . - Т.: 2002.- 49 б.
6. Мухтор О. Кўзгу олдидаги одам. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1996.- 160 б.
7. Мухтор О. Тўрт томон қибла. Трилогия. - Т.: Шарқ, 2000.- 432 б.
8. Назаров У. Ўзгалар учун. – Т.: 1988.- 244 б.

Фарғона давлат университети,
2016 йил 8 январда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Қосимов)